

Икки ийд намози ҳақида | Фикҳ дарслари (257-дарс)



19:00 / 23.11.2023 1278

لُكْأَيُّ نَأْ رُطِفْ لَأَمْوَيَ بَدُنْ
لَسَتُغَيِّوْ ، كَأَتَسَيِّوْ
نَسُحْ أَسْبُلَيِّوْ ، بَيَّطَتَيِّوْ
مُتْ ، هَتَرُطِفْ يَدَّوَيِّوْ ، هِبْأَيِّوْ
أَلْوْ . يَلْصُمْلَأِ يَلْجُحْخَيِّوْ
يَفِ هِتْ أَلْصَلْبَقُ لَفَنْتَيِّوْ
طُورُشْ أَهْلَ طِرُشْوْ . يَلْصُمْلَأِ

هتَبَطُخ ي ف مُلَعُي و هِرِيَعَو
قِرِشَّت ل ا ر ي ب ك ت
م ا ك ح أ م ث و ة ي ح ض أ ل ا و
م و ي ع ا م ت ج ا ل ، ة ر ط ف ل ا
، ن ي ف ق ا و ل ا ب ا ه ب ش ت ة ف ر ع
ر ب ك أ ه ل ل ا ؛ ه ل و ق ب ج ي و
ه ل ل ا ا ل ا ه ل ل ا ل ، ر ب ك أ ه ل ل ا
ر ب ك أ ه ل ل ا ، ر ب ك أ ه ل ل ا و
م و ي ر ج ف ن م د م ح ل ا ه ل ل و
ي د ا ض ر ف ل ك ب ي ق ع ة ف ر ع
ي ل ع ة ب ح ت س م ة ع ا م ج ب
ة ي د ت ق م و ، ر ص م ل ا ب م ي ق م ل ا
د ت ق م ر ف ا س م ي ل ع و ؛ ل ج ر ب

دِيْغُلْ اِرْصَعْ يَلْ اِمِّيْ قُمْب
مَّايْ اِرْخْ اِرْصَعْ يَلْ اِقْو
الْو . لَمْ عِيْ هَبْ و ، قِيْ رَشْتْ لْ
هَكَرْتْ و لَوْ مَتْ و مَلْ اُ هُغْدِي
هُمَّ اِمَّ

Фитр куни таом ейиш, мисвок ва ғусл қилиш, хушбўй суртиш ва энг яхши кийимларини кийиш ва садақаи фитрини бериш мандубдир.

Сўнгра намозгоҳга чиқади. Намозгоҳда ийд намозидан олдин нафл ўқимайди.

Ийд намозининг вожиблик ва адо этиш шартлари худди жуманинг шартлари кабидир. Фақат хутба бундан мустасно.

Ийд намозининг вақти қуёш кўтарилгандан то заволгача.

Санодан кейин қўлини кўтариб, уч марта такбир айтади. Иккинчи ракъатда қироатдан кейин такбир айтади. Узр бўлса, эртасига ўқийди. Уни имом ўқиганидан кейин ҳеч ким қазосини ўқимайди.

Қурбонлик худди Фитр кабидир. Лекин намозни ўқигунича таом ва шаробдан ўзини тийиши мандубдир.

Йўлда овоз чиқариб такбир айтади. Узрли ёки узрсиз уч кунгача ўқиса бўлади.

Хутбасида такбири ташриқ ва қурбонлик ҳақида таълим беради. Ийди фитрда эса садақаи фитр ҳақида таълим беради.

Арафа куни Арафотда тўпланганларга ўхшаб тўпланиш йўқ.

Арафа кунининг бомдодидан бошлаб ийднинг асригача мустаҳаб бўлган жамоат ила адо этилган ҳар фарзнинг ортидан мисрда муқим бўлган киши, эркакка иқтидо қилган аёл ва муқимга иқтидо қилган мусофир учун «Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Лаа илааҳа иллаллоҳу! Валлоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Ва лиллааҳил ҳамд»ни айтиш вожибдир.

Имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад «Ташриқ кунларининг охириги асригача» деганлар ва шунга амал қилинади. Агар имом тарк қилса ҳам, муқтадий уни тарк қилмайди.

«Ийд» сўзи «қайтиш» маъносини билдиради. Байрамлар қайта-қайта келгани учун «ийд» деб номланган. Энг муҳими, икки ийд кунлари Аллоҳ таолонинг кўплаб хайру баракаси мўмин-мусулмонларга қайта-қайта келади.

Ҳанафий мазҳабида ийд намозлари «вожиб», дейилган.

Бу намоз ҳанбалий мазҳабида фарзи кифоя, моликий ва шофеъий мазҳабларида суннат дейилади.

«Ийди Фитр» Рамазон рўзасининг тамом бўлгани муносабати ила хурсандчилик ва шукрни изҳор қилиш учун шариатга киритилган байрамдир.

«Ийди Қурбон» эса ҳаж ибодатларининг тамом бўлгани муносабати ила ва Аллоҳнинг йўлида ҳар қандай қурбон беришга тайёрликни изҳор қилиш учун шариатга киритилган байрамдир.

Аллоҳ таоло Кавсар сурасида:

﴿۲﴾ وَأَنْحَرِ لِرَبِّكَ فَصَلِّ ﴿۱﴾ الْكَوْثَرَ أَعْطَيْنَاكَ إِنَّا

«Албатта, Биз сенга Кавсарни бердик. Бас, Роббингга намоз ўқи ва жонлиқ сўй», деган (1-2-оятлар).

بَلِّغْهُ نَعْمَ هَلْ لِي ضَرِي سَنَأُ نَع
هَلْ لِي لِي لَصِ هَلْ لِي لُؤْسَرِ مَدَق
مُهَلِّوْةَ نِي دَمْلَا مَلَسَوِ هَيْلَع
أَمْ هِي فَنُؤْبَعْلِي نَأْمُوي
بِنَأْمُوي لِنَأَذَهْ أَمْ بَلِّغْ ف
أَمْ هِي فَبُعْلِنِ أَنْكَ : أَوْلِاق
لُؤْسَرِ لِّاقَفِ ، هَيْلِ هَجْلَا يِف
هَيْلَعْ هَلْ لِي لِي لَصِ هَلْ لِي
مُكَلِّدَبَا دَقَ هَلْ لِي لِنَا : مَلَسَوِ
مُؤَيِ أَمْ هَنْمِ أَرْيَخِ أَمْ هِبِ
هَأُورِ رُطِيفُ لِمُؤَيِ وَيَخُضُّ أَلَا
بِنَسْلِ أِبِ أَخُصَا

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларида улар икки кунда ўйнар эдилар.

«Бу иккиси қандай кун?» деб сўрадилар.

«Жоҳилиятда ўйнайдиган кунимиз эди», дейишди.

Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ сизларга у иккиси ўрнига улардан кўра яхши - Қурбонлик куни ва Фитр кунини берди», дедилар».

«Сунан» эгалари ривоят қилишган.

Энди «Мухтасари Виқоя»да келган матнни шарҳлашга ўтайлик.

Фитр куни таом ейиш, мисвок ва ғусл қилиш, хушбўй суртиш ва энг яхши кийимларини кийиш ва садақаи фитрини бериш мандубдир.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.